

**"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖнинг 2025 йилгача ривожлантириш стратегияси  
асосий йўналишлари "Йўл харита"сидаги аниқ чора-тадбирларини амалга ошириш ва бегиланган  
параметрларга эришиш тўғрисида 2020 йил якуни бўйича  
МАЪЛУМОТ**

*(Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслахатчиси – Энергетика вазирининг А.С.Султонов томонидан 2019 йил 9 июнда тасдиқланган  
"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖнинг 2020-2025 йилларда ривожлантириш стратегияси" чора-тадбирларни бажарилишининг III чорак якуни)*

**2021 йил 5 январь ҳолатига**

№ т/р	Тадбирлар номи, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Бажариш жараёни
<b>I</b>	<b>Мавжуд магистрал электр тармоқлари объектларини янгилашда замонавий ва юқори самарали электр ускуналаридан фойдаланган ҳолда қурилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш.</b>		
1.	“Тахиаташ” ИЭС – “Хоразм” ПС – ПП–220кВ “Саримай” аҳоли пунктигача – 220 кВ ҳаво электр узатиш линиясини қуриш;	2020 йил май	1. 10та лотдан умумий қиймати 49.5 млн.долларига тенг 11та шартнома тузилди ва аванс тўловлари тўланди. 2. Электр узатиш линиясини қурилиши 2та босқичга бўлинган: - I босқич – “Хоразм” ПСдан “Саримай” ППгача электр узатиш линиялари қурилиши, <b>яқунланди.</b> - II босқич – “Тахиаташ” ИЭСдан “Хоразм” ПСгача электр узатиш линиялари қурилиши, <b>яқунланди.</b>
2.	Тошкент шаҳри Сергели тумани ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги объектларни электр таъминоти истиқболини ҳисобга олган ҳолда 220 кВ “Сергели” ПСсини қуриш.	2020 йил июнь	Ишчи далолатномаси расмилаштирилди, ҳозирги кунда камчиликлар бартараф этилмоқда.
3.	“Сурхон – Пули – Хумри” 500 кВли ҳаво электр узатиш линиясининг қурилиши;	2020 йил декабрь	<u>Ҳозирда 45 км ҳаво тармоғида фундаментлар ҳамда метал таянчлар тўлиқ ўрнатилиб, ишчи комиссия далолатномаси расмилаштирилмоқда. “Сурхон” ПС ОТҚ-500кВ да “МУ-4” АЖ томонидан ер ишлари ва порталлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда</u>
4.	“Қурилаётган “Поп – Кўкон – Андижон” темир йўлининг ташқи электрлаштириш тизимини подстанцияларини электр энергия билан таъминлаш объектларини қуриш”	2020 йил декабрь	“Кўкон” ТПС уланиш учун “Оби-Хаёт” ва “Узгариш” ПСларига Кириш-Чиқиш узунлиги 6 км бўлган 220 кВли Л-Уз-О ҳаво линиясини қуриш ишлари яқунланди. Ишчи комиссия далолатномаси расмилаштирилди. “Асака” ТПС уланиш учун “Юлдуз” ва “Лочин” ПСларига

			Кириш-Чиқиш узунлиги 16 км булган 220 кВли Л-Ю-Л ҳаво линияси қуриш ишлари якунланди. Ишчи комиссия далолатномаси расмийлаштирилди. Ҳозирги кунда камчиликлар бартараф этилмоқда.
5.	“Қурилаётган "Поп – Наманган – Андижон" темир йўлининг ташқи электрлаштириш тизимини подстанцияларини электр энергия билан таъминлаш объектларини қуриш”	2021 йил декабрь	- ПС “Оби-Ҳаёт” – ПС “Сардор” (Л-С-О) линиясининг “Раустан” ТПСга “Кириш-Чиқиш” қисмига (2x12 км узунликда) 6 та таянч ўрнатилди. - “110 кВ ли Ҳаққулобод” ҳаво электр тармоқлари қурилиши бўйича 12 та таянч ҳамда 7 фундаментлар ўрнатилди. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон темир йуллари” АЖ томонидан зарурий материал ва ускуналар ўз вақтида етказилмаганлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари режадан ортда қолмоқда.
6.	ҲЛ-220 кВ кучланишли электр узатиш тармоғини 500 кВли ҳажмда 177 км Навоий ИЭСдан 220 кВ “Бесопан” ўчириб-ёқиш пунктигача.	2019–2022 йй.	Лойиҳа 2022 йил IV чорагида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳанинг Техник иқтисодий асосларини Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги №372-сонли қарори билан тасдиқланди. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва Молия вазирлиги ўртасида қайта кредитлаш келишувини имзолаш, шунингдек, Адлия вазирлигидан қайта кредитлаш келишуви ва Кредит (Заём) Келишувларини кучга кириши бўйича хулосалар тақдим этиши кутилмоқда.
7.	220 кВли “Зафаробод” подстанциясини ҳамда Сирдарё ИЭСдан чиқувчи 220 кВ ҳаво линиясининг қурилиши;	2020–2022 йй.	Лойиҳа 2022 йил декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда лойиҳа доирасида Осиё тараққиёт банки талаблари асосида ерларни ажратиш, аҳолини кўчириш режаси ҳамда экологик баҳолаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек «Ўзэнергоинжиниринг» АЖ томонидан лойиҳа тендер ҳужжатларининг техник қисми ишлаб чиқилмоқда. 2020 йил 6 апрель куни лойиҳа доирасида консултант хизматидан фойдаланиш учун 16 майгача бўлган муддатда халқаро тендер савдолари эълон қилинди. Тендер савдолари натижасида қизиқиш билдирган компанияларнинг қисқа рўйхати шакллантирилди. Қисқа рўйхатга киритилган компанияларга 2020 йил 23 сентябрь куни 2020 йил 23 октябргача бўлган муддатда тижорат таклифларини бериш юзасидан сўров юборилди.

8.	“Тахиаташ ИЭС – “Беруний” ПС – “Саримай” ПП оралиғида 220 кВли ҳаво электр узатиш линиясини қурилиши;	2020–2022 йй.	Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорига киритилган, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган.
9.	Икки автотрансформаторли 3x167 МВА “Мурунгов” 500/220 кВ подстанциясини қурилиши;	2020–2022 йй.	Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорига киритилган, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари вазирликлар ва идоралар билан келишилган. Лойиҳани амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатчи билан шартнома тузилди. Маслаҳатчи зарур ҳужжатлар билан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилиниши кутилмоқда.
10.	Икки автотрансформаторли 3x167 МВА “Олтинсой” 500/220 кВ подстанциясини қурилиши;	2020–2023 йй.	Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорига киритилган ва лойиҳани молиялаштириш манбаъсини аниқлан илтимоси билан Энергетика вазирлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига мурожаат юборилди. Лойиҳа бўйича қувват тақсимлаш схемасини (схема выдача мощность) 2 ой муддатда ишлаб чиқиш учун “Ўртаосиёэнерготармоқлоийиҳа” АЖ ва Сурхондарё МЭТ ўртасида 2020 йил 18 июнь куни №26-20- сонли шартнома тузилди ва қувват тақсимлаш схемаси ишлаб чиқилди. 2020 йил 24 августда Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани “Сувқулисой” массивидан подстанция қурилиши учун ер майdonи ажратилиши тўғрисида вилоят хокимининг қарори қабул қилинди. 2020 йил 3 сентябрда "Ўртаосиёэнерготармоқлоийиҳа" АЖга 01- 04-14/3013 сонли хат билан лойиҳа қидирув ишларини амалга ошириш тўғрисида ҳамда 2020 йил 24 сентябрь санасида лойиҳанинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш тўғрисида шартнома тақдим қилиш тўғрисида мурожаат этилди. - Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Жаҳон банки томондан лойиҳани

			<p>молиялаштириш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда - Ўтказилган музокараларга асосан инвестиция лойиҳасини молиялаштириш юзасидан Жаҳон банкининг 2020 йил 4 апрелдаги розилик хати олинди. Лойиҳани молиялаштириш 2021 йилнинг I чорагида Жаҳон банкининг директорлар кенгаши томонидан тасдиқланиши кутилмоқда.</p>
11.	100 МВт ФЭС – “Сувли” ПС оралиғида 110 кВли ҲЛсини қурилиши;	2020–2021 йй.	<p>Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорига киритилган бўлиб, “Total Eren” 110 кВ ўрнига 220 кВ тармоғини қуришни тақлиф қилади.</p>
12.	“Ғузор-500” ПСдан чиқувчи 220 кВ ҲЛсини ҳамда 220 кВли “Амир Темур” ПСсини қурилиши;	2020–2023 йй.	<p>Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорига киритилган ва лойиҳани молиялаштириш манбаъсини аниқлан илтимоси билан Энергетика вазирлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига мурожаат юборилган. Лойиҳа бўйича ТИАни ишлаб чиқиш учун “Узэнергоинжиниринг” АЖ ва Қашқадарё МЭТ ўртасида 2020 йил 26 май куни №28-10-сонли шартнома имзоланди. ТИА 3 ойда ишлаб чиқилади.</p> <p>220 кВли “Амир Темур” ПСда 1 дона 125 МВАли трансформатор ҳамда 36 дона бетон тусиқ ўрнатилди. Ҳозирда бошқарув биносининг пойдевор ишлари олиб борилмоқда.</p>
13.	500 кВли “Чодак – Тўрақўрғон” ҲЛсини қурилиши;	2024–2025 йй.	<p>Лойиҳа “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ истикболли лойиҳалар рўйхатида киритилган ва ҳозирда баҳолаш босқичида.</p>
14.	“Янги-Ангрен” ИЭС – “Ангрен” ИЭС оралиғидаги 220 кВ ҲЛсини қурилиши;	2020–2023 йй.	<p>Лойиҳа “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ истикболли лойиҳалар рўйхатида киритилган ва ҳозирда баҳолаш босқичида.</p>
15.	“Тўрақўрғон” ИЭС – “Юлдуз” ПС оралиғидаги 220 кВ ҲЛсини қурилиши;	2022–2023 йй.	<p>347 та пикетдан 302 та пикетда таянчлар монтаж қилинган, 40 км узунликда симлар монтажи 100% бажарилган, симларни тарқатиш ишлари 20 кмда бажарилмоқда. <i>Линия узунлиги 100 км.</i></p>

16.	<p>“Янги 500 кВ кучланишли “Ҳалқа” нимстанцияси ҳамда 220 кВ ва 500 кВ кучланишли ҳаво электр тармоқларини куриш”</p>	2021–2023 йй.	<p>“Ўзэнергоинжиниринг” АЖ билан лойиҳанинг Техник иқтисодий асосларини тайёрлаш учун шартнома имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарорига асосан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига келишиш учун киритилди. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Жаҳон банки томонидан лойиҳани молиялаштириш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.</p> <p>2020 йилнинг 29 июль санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида электр энергияси таъминоти барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4791 сонли қарори тасдиқланди.</p> <p>Қарорга мувофиқ, инвестиция лойиҳаси доирасида куриладиган нимстанция учун ер майдони ажратиш тўғрисида 2020 йилнинг 4 августда Тошкент вилояти ҳокимлигига 01-01-14/317 сонли ва 2020 йилнинг 25 августда Сирдарё вилояти ҳокимлигига 01-04-14/2912 сонли ва “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасига 01-04-14/2913 сонли хат билан мурожаат этилди.</p> <p>Янги 500 кВ кучланишли кучланишли “Ҳалқа” нимстанцияси курилиши учун 30 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида 2020 йил 12 сентябрь санасида Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ тумани ҳокими томонидан 754-сонли қарори қабул қилинди.</p> <p>Бугунги кунда “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ томонидан лойиҳанинг техник иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда шунингдек Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан Жаҳон банки билан инвестиция лойиҳасини молиялаштириш юзасидан ўтказилган музокараларга асосан инвестиция лойиҳасини молиялаштириш юзасидан Жаҳон банкининг 2020 йил 4 апрелдаги розилик хати олинди. 2020 йил 26 июль санасида Жаҳон банки томонидан тақдим қилинган электрон хатга асосан лойиҳани молиялаштириш 2021 йилнинг I чорагида Жаҳон банкининг директорлар кенгаши томонидан тасдиқланиши кутилмоқда.</p>
-----	---	---------------	--

17.	“Янги-Ангрен” ИЭС – “Ангрен” ИЭС оралиғидаги 220 кВли линиясига “кириш” йўли билан 220 кВли “Ахангаран” ПСсини қурилиши;	2022–2025 йй.	Лойиха “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ истикболли лойихалар рўйхатига киритилган ва ҳозирда баҳолаш босқичида.
<b>II.</b>	<b>Ишлаб чиқаришда мавжуд электр ускуналарни модернизация қилиш орқали қувватни ошириш, технологик йўқолишларни камайтириш ва ўз эҳтиёжларини учун ишлатилаётган электр энергияси сарфини қисқартириш.</b>		
18.	Магистрал электр тармоқларни подстанцияларни модернизация ва реконструкция қилиш: 220–500 кВ кучланишли 22 та подстанцияда эскирган электр ускуналарни алмаштириш; фаза – I	2017–2022 йй.	Тошкент вилоятида – <b>1 дона 250 МВА</b> автотрансформатор, Андижон вилоятида – <b>2 дона 200 МВА</b> автотрансформатор, Фарғона вилоятида – <b>1 дона 250 МВА</b> автотрансформатор, Сурхандарё вилоятида – <b>1 дона 63 МВА</b> трансформатор, Жиззах вилоятида – <b>2 дона 200 МВА</b> автотрансформаторлар ўрнатилди.
19.	220–500 кВ кучланишли 23 та подстанцияда эскирган электр ускуналарни алмаштириш; фаза – II	2022–2025 йй.	Лойиха “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ истикболли лойихалар рўйхатига киритилган ва ҳозирда баҳолаш босқичида.
<b>III.</b>	<b>Бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизими (ERP)ни жорий қилиш</b>		
20.	Акциядорлик жамиятининг молиявий-иқтисодий фаолият тизими самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизими (ERP)ни жорий қилиш (1-босқич).	2020–2022 йй.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ERP лойихаси бўйича: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йил 1 майдаги 123 сонли буйруғи чиқарилган. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ ресурсларни бошқариш тизими (ERP) учун Техник иқтисодий асослаш (ТЭО) ва тендер ҳужжатларини яратиш учун Консультант ёллаш “техник топшириғи” (ТТ) ишлаб чиқилди. (АБТ-ERP) лойихасининг Техник топшириғи бўйича Жаҳон банкидан эътирозлар йўқлиги бўйича маълумот олинди ва шу тўғрисида баённома тузилиб тасдиқланди. (АБТ-ERP) лойихаси бўйича “Ўзбекистон МЭТ” АЖ веб сайтида консултантни танлаш бўйича тендер эълон қилинди. (АБТ-ERP) лойихаси бўйича “Ўзбекистон МЭТ” АЖга Техник

			<p>иктисодий асослаш (ТЭО) ва тендер ҳужжатларини яратиш учун Консультант ёллаш “техник топшириғи” (ТТ) асосида эълон қилинган танлов учун 5 нафар иштирокчидан танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирилди ва қизиқиш билдирган иштирокчилар руйхати Жаҳон Банкига маълумот учун тақдим этилди.</p> <p>(АБТ-ERP) лойихаси бўйича танлов иштирокчилари қизиқиш билдиришлари натижалари бўйича бошланғич малакавий баҳолаш жараёни амалга оширилди ҳамда 5 нафар иштирокчиларнинг қисқа рўйғати шакллантирилди. Қисқа рўйхатга кирган иштирокчиларга харидлар бўйича ҳужжатлар (RFP) жўнатилди. Covid-19 туфайли юзага келган бутун дунёдаги фавқулодда вазият ҳамда унинг натижасида пайдо бўлган муаммоларни инобатга олиб, иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилиш муддатини 2020 йил 10 августдан 2020 йил 25 августгача узайтириш Харид комиссияси йиғилишида белгиланди ҳамда 2 нафар иштирокчидан таклиф ҳужжатлари келиб тушди. Харид комиссияси йиғилишида 2 нафар иштирокчидан келиб тушган таклифларнинг техник қисмлари очилди. Уларни баҳолаш учун Ишчи экспертлар гуруҳи таркиби тасдиқланди. Ишчи экспертлар гуруҳи томонидан таклифларнинг техник қисми баҳолаш ишлари натижалари келишилмоқда, Харид комиссиясининг якуний баҳоларни тасдиқлаш юзасидан навбатдаги йиғилиши режалаштирилмоқда. Таклифларнинг молиявий қисми очилмаган ҳолатда сақланмоқда. Икки нафар иштирокчидан таклиф ҳужжатлари келиб тушди. Булар «Grail Consulting Services» (Ҳиндистон) ва МЧЖ «Jet-Infosystems» (Ўзбекистон).</p>
21.	Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплексини (SCADA) жорий қилиш.	2020–2022 йй.	<p><b>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ SCADA</b> лойихаси бўйича:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йил 1 майдаги 123 сонли</p>

		<p>буйруғи чиқарилган.</p> <p>"SCADA/EMS/RTU тизими ва телекоммуникация тизимини жорий этиш" лойиҳаси учун техник-иқтисодий асос ва тендер ҳужжатларини тайёрлаш бўйича маслаҳатчини танлаш учун танловчиларнинг қизиқиш билдиришлари натижалари бўйича баҳолаш ҳисоботи ва консалтинг компанияларининг қисқа рўйхати тасдиқланди.</p> <p>Ҳозирги кунда харидлар бўйича ҳужжатлар (RFP) тендер қатнашчиларига (7 та компания) юборилди.</p> <p>SCADA лойиҳасининг 5 катнашчилардан келган ҳужжатларни очиш бўйича Харид комиссияси иштирокида видеоконференция бўлиб ўтди. Ҳозирда ҳужжатлар Ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилмоқда ва баҳоланмоқда.</p> <p>Амалдаги тасдиқланган Ишчи гуруҳ фаолиятида шаффофликни янада ошириш ва баҳолашни ихтисослаштирилган вазирлик ва идоралардан юқори тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этган ҳолда юқори даражада амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва «UNICON.UZ» ДУК дан сохага оид билим ва кўникмага эга бўлган ходимлар жалб қилинди ва Харид комиссияси томонидан тасдиқланди.</p> <p>Янгиланган Ишчи экспертлар гуруҳи томонидан иштирокчиларнинг техник таклифлари қайта баҳоланди. Баҳолаш жараёнида юзага келган бир қанча саволларга Жаҳон банки билан келишган ҳолда аниқликлар киритилди. Ишчи экспертлар гуруҳи Жаҳон банки стандартларига мувофиқ баҳолаш бўйича якуний ҳисоботни (Consultant Evaluation Report) тайёрлади.</p> <p>2020 йил 11 сентябрь. Ишчи экспертлар гуруҳи томонидан таклифларнинг молия қисмини ўрганиш ва баҳолаш юзасидан тайёрланган якуний ҳисобот Жаҳон Банкига кўриб чиқиш учун жўнатилди.</p> <p>2020 йил 14 сентябрь. Жаҳон Банки томонидан Ишчи</p>
--	--	---



			<p>экспертлар гуруҳининг таклифларни молия қисмини ўрганиш ва баҳолаш юзасидан тайёрлаган якуний ҳисоботи бўйича эътироз йўқлиги (No-objection) маълум бўлди;</p> <p>2020 йил 15 сентябрь. Ғолиб компанияга музокаралар олиб бориш учун таклиф хати юборилди.</p> <p>Якуний ҳисоботни кўриб чиқиш юзасидан Харид комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш баёнининг қарорига кўра якуний ҳисобот комиссия томонидан тасдиқланди ва Жаҳон банки билан келишилди. Навбатдаги Харид комиссияси йиғилишида иштирокчилардан келиб тушган таклифларнинг молия қисмлари очилди ва улар Ишчи экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланди. Жаҳон Банки томонидан Ишчи экспертлар гуруҳининг таклифларни молия қисмини ўрганиш ва баҳолаш юзасидан тайёрлаган якуний ҳисоботи бўйича эътироз йўқлиги (No-objection) маълум бўлди. Ғолиб бўлган консалтинг компания билан шартнома олди музокаралар олиб борилмоқда.</p>
--	--	--	--